



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд вилояти ҳокими

Х.К.Окбутаев

2017 йил “3” апрел



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазари

Г.К.Сайдова

2017 йил “31” марта

**Самарқанд вилояти Иқтисодиёт ва худудларни комплекс
ривожлантириш бош бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Самарқанд вилояти Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасининг (кейинги ўринларда Ҳудудий бошқарма деб аталади) вазифалари, функциялари, хукуқлари, мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ҳудудий бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи ПҚ-2840 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган.

3. Ҳудудий бошқарма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

Ҳудудий бошқарма икки томонлама бўйсунувда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига хисобдордир.

4. Ҳудудий бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Иқтисодиёт вазирининг бўйруқларига, Самарқанд вилояти ҳокимининг қарор ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қиласди.

5. Ҳудудий бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Иқтисодиёт вазирлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

6. Ҳудудий бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, ўз хисоб-китоб рақамларига эга бўлади.

II. Ҳудудий бошқармаларнинг вазифалари ва функциялари

7. Куйидагилар Ҳудудий бошқарманинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари ҳисобланади:

худуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини тизимли ёсосда таҳлил қилиб бориш, мавжуд номутаносибликлар, захиралар ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал-хом ашё, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш;

тармоқ тузилмалари билан ҳамкорликда миңтақанинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни, мамлакатни истиқболда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, худудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли дастурлари ва прогнозларини ишлаб чиқиш, миңтақа иқтисодиётини чукур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш;

худудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқиши таъминлаш ва амалга оширилиши, янги ишлаб чиқариш обьектлари қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда амалдагиларини модернизациялашнинг бориши устидан мониторинг олиб бориш, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли тасдиқланган дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини бажаришда кўмаклашиш;

муҳандислик, йўл-транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини илдам ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини тубдан ошириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва санитария-тозалаш тизими билан таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларини мақбул жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий жихатдан ўзгартириш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини янада чукур қайта ишлашни атрофлича таҳлил қилиш ва бу ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

миңтақадаги демографик жараёнлар ҳамда аҳолининг жинс ва ёш таркибини, унинг бандлик даражаси ва таркибини тизимли таҳлил қилиш, шунинг асосида ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари яратиш хисобидан банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, аҳолига тиббий, таълим ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қисқа ва ўрта муддатга мўлжалланган худудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиша барча вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқарув органларининг худудий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

8. Худудий бошқарма ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) худуднинг макроиктисодий кўрсаткичларини прогнозлаштириш ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш йўналишида:

худудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш даражасини тизимли таҳлил қиласи;

мавжуд номутаносибликларни, захираларни ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал-хом ашё ресурсларини, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш ишларини олиб боради;

мамлакатни ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, худуд иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, барқарор ва мутаносиб ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

худудни комплекс ривожлантириш, шунингдек таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва худуд иқтисодиётини диверсификациялаш бўйича қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқади;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий даражаси, комплекс ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар ва худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий параметрлари прогнозлари бажарилиши бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий кўрсаткичларининг доимий мониторингини амалга оширади;

б) саноат ва ишлаб чиқаришни маҳалийлатиришни ривожлантириш йўналишида:

саноат маҳсулотларининг рақобатбардошли турларини, шу жумладан маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган индустрисал сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва йўлларини комплекс, тизимли таҳлил қиласи;

худуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг, жумладан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

саноат салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган худудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширилиши, янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаб турганларини модернизациялаш устидан доимий мониторинг олиб боради;

инвестиция дастурларига, саноатни ривожлантириш дастурларига киритиш учун маҳаллийлаштириладиган ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар, шу жумладан уларни илгор, ресурсларни тежайдиган ва энергия жиҳатидан самарали технологиялар асосида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

саноатни ривожлантиришга оид Ҳукумат карорларининг амалга оширилиши устидан доимий мониторинг олиб боради ва таҳлил ишларини амалга оширади;

энергиянинг тикланадиган манбаларидан, шу жумладан ёқилғининг муқобил ва паст сортли турларидан фойдаланган ҳолда энергетика қурилмаларини саноатда фойдаланишга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

саноатни ривожлантиришнинг ҳолати, шу жумладан маҳаллийлаштириш, энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш якунлари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

в) ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникациялари, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишида:

курилиш комплекси, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникациялари, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни комплекс ва тизимли таҳлил қиласи;

худудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқади ва улар ижроси мониторингини юритади;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникациялари, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция дастурлари ва Ҳукумат қарорлари бажарилишининг доимий мониторингини олиб боради ва уни таҳлил қиласи;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани, шунингдек коммунал соҳани (сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, санитария жиҳатидан тозалаш) ривожлантириш бўйича қисқа муддатли ва ўртacha муддатли дастурларга киритиш учун таклифлар ишлаб чиқади;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш, кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини тубдан ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

курилиш комплекси, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши якунлари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

г) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишида:

қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини мақбул жойлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун қўшимча захираларни аниқлаш ишларини амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

пахтачилик, ғаллачилик, шоличиликни ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа асосий йўналишларини ривожлантиришнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқади;

д) ижтимоий ривожлантириш, демография, аҳоли бандлиги и хизмат кўратиши йўналишида:

худуд аҳолисининг демографик жараёнларини ва жинс-ёш таркибини, уларнинг бандлиги даражаси ва таркибини, тальим, соғлиқни саклаш, маданият ва спорт тармоқларини, аҳоли ҳаёти даражасини, шунингдек маданий-маърифий ишлар соҳасидаги ишларнинг ҳолатини тизимли таҳлил қиласи;

аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш, харид қобилияти даражасини ошириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

аҳолига тиббий, таълим ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, аҳолининг алоҳида тоифаларини манзилли ижтимоий қўллаб-куватлаш ва химоя қилишни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликлар номенклатурасини такомиллаштириш ва ўзгартериш, шунингдек олий маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул параметрларини шакллантиришда иштирок этади;

мехнат бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, демографик омилларни ва худуд иқтисодиётини ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг илфор шаклларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

спорт-соғломлаштириш хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, маданий дам олиш муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқади ва улар ижроси мониторингини юритади;

таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт тармоқларини ривожлантириш дастурларини, аҳоли бандлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш дастурларини амалга ошириш якунлари бўйича, шунингдек демографик жараёнлар динамикаси ва аҳоли хаёти даражаси тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлайди.

III. Худудий бошқармаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Худудий бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

прогнозлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш ҳамда худудларни мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида давлат ва хўжалик органларининг худудий бўлинмалари, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини ўрнатилган тартибда мувофиқлаштириш;

ҳокимликларнинг таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмаларидан, шунингдек бошқа ташкилотлардан худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни сифатли таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш учун зарур бўлган ахборот материалларини сўраб олиш;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, шунингдек бошқа ташкилотларнинг ахборот-таҳлил ва прогноз фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсиялар бериш;

худудий бошқармаларга юкланган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимларига топшириклар бериш;

ҳокимликларнинг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, шунингдек бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

ахборот-таҳлил материалларини тайёрлаш ва худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш прогноз параметрлари ва дастурларини ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари худудий бўлинмаларининг, шунингдек илмий ташкилотларнинг малакали мутахассисларини жалб этиш;

Иқтисодиёт вазирлигининг марказий аппарати бўлинмалари ва бошқа республика иқтисодиёт органлари, тармоқ идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан дастурлар ва балансларни ишлаб чиқиш методологиясини мувофиқлаштириш масалаларида.

10. Худудий бошқарма қўйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириклари, Иқтисодиёт вазирлигининг буйруқ ва топшириклари, Самарқанд вилояти ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириклари, шунингдек худудий бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назоратни амалга ошириш;

тегишли республика дастурлари ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари билан мустаҳкам ўзаро боғлиқликда худудларни ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли дастурлари ишлаб чиқилишини белгиланган тартибда таъминлаш;

худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги холисона таҳлилий ахборотни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига киритиш;

худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича прогнозлар ва дастурлар бажарилиши тўғрисида тақдим этиладиган таҳлилий материалларнинг ўз вақтидалигини, комплекслилигини ва сифатини таъминлаш.

IV. Худудий бошқарма фаолиятини ташкил этиш

11. Худудий бошқармага бошлиқ раҳбарлик қиласи, у Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири томонидан Самарқанд вилояти ҳокими билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

12. Худудий бошқарма бошлигининг бир нафар ўринбосари бўлади ва у Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири томонидан Самарқанд вилояти ҳокими билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Худудий бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини ўринбосар бажаради.

13. Худудий бошқарманинг бўлим бошликлари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек бош ва етакчи мутахассислар бевосита Иқтисодиёт ва худудларни

комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ёки лавозимдан озод қилинади.

Худудий бошқарма ходимлари ўз фаолиятини Худудий бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларга мувофиқ амалга оширадилар.

14. Худудий бошқарма бошлиғи:

ушбу Низомда белгиланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ худудий бошқарма фаолиятини, шу жумладан ўз ўринбосари, бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва мутахассислар ишларини ташкил этади;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Худудий бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Худудий бошқарма ходимларини лавозимга тайинлайди ёки лавозимдан озод киласди;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари билан келишган ҳолда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари Низомини тасдиқлайди;

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари бошлиқларини тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тавсияларига кўра, Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда, лавозимга тайинлайди ёки лавозимдан озод киласди;

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари ходимларини тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайди ёки лавозимдан озод қиласди;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

15.Худудий бошқарма бошлигининг ўринбосари:

Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари йигма бўлими, Саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўлими ва Ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўлими фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, шунингдек ижро интизомининг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назоратни амалга оширади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича материаллар ва ҳужжатлар лойихалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Худудий бошқарма ходимларини лавозимга тайинлаш ёки лавозимдан озод қиласи, уларнинг малакасини ошириш, уларни тақдирлаш, шунингдек уларга интизомий жазо бериш тўғрисида худудий бошқарма бошлиғига таклифлар тақдим этади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

16. Бўлим бошлиғи:

бўлим ишларини ушбу Низомда белгиланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этади;

бўлим мутахассислари ўртасида ишларни тақсимлайди, шунингдек уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қиласди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича Иқтисодиёт вазирлигининг марказий аппарати бўлинмалари, ҳокимликлар таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари худудий бўлинмалари билан доимий ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тенденциялари тўғрисида худудий бошқарма бошлиғига кўриб чиқиш учун холисона таҳлилий маълумотларни киритади;

келиб тушаётган ҳужжатларни ва хат-хабарларни бўлим ходимлари ўртасида тақсимлайди;

худудни ривожлантириш бўйича қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узок муддатли дастурларга киритиш учун таклифлар тайёрланишини ташкил этади;

бўлим фаолияти самарадорлигини таҳлил қиласди ва баҳолайди;

ҳисоботлар ва ахборотларнинг белгиланган муддатларга мувофиқ ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

ўрнак кўрсатган ходимларни тақдирлаш ва бўлим ходимларига интизомий жазо бериш тўғрисида таклифлар киритади;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

17. Бўлим бошлиғининг ўринбосари:

бўлим ходимларига юклangan вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

келиб тушаётган ҳужжатларни ва хат-хабарларни бўлим ходимлари ўртасида тақсимлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун бўлим бошлиғига киритади;

ҳисоботлар ва ахборотларнинг белгиланган муддатларга мувофиқ ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

бўлим ходимларини норматив-хукукий ҳужжатларни ўрганиш бўйича ўқитади;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

18. Ҳудудий бошқарманинг бош (етакчи) мутахассиси:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

ҳисоботлар ва ахборотларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун бўлим бошлиғига киритади;

кабул қилинган бўлим фаолиятга тегишли норматив-хуқукий хужжатларни ўрганади;

прогноз кўрсаткичларнинг, шунингдек худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгилangan тартибда амалга оширади.

IV. Молиялаштириш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари

19. Худудий бошқарма ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари фаолиятини молиялаштириш Самарқанд вилоятининг вилоят бюджетидан амалга оширилади.

20. Худудий бошқарма ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари ходимларини моддий рағбатлантириш амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Худудий бошқарма ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, амалдаги қонун хужжатларida назарда тутилган мукофотлардан, қўшимча ҳақ, устама ва рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

22. Худудий бошқарма ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ва узоқ муддат ишлаганлиги учун ҳар ойлик устамалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги “Давлат бошқаруви худудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2722 – сонли қарорининг 1-бандига мувофиқ тўланади. Бошқа рағбатлантирувчи тўловлар амалдаги қонун хужжатларida назарда тутилган тартибда бошқа манбалар ҳисобига худудий бошқарма бошлиғи буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

23. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари фаолиятини молиялаштириш-ҳисобот ишлари Худудий бошқарма томонидан юритилади.